

ТОШ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент
шаҳар комитети ва халқ депутатлари
шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган.

№ 121 (6. 820)

Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқи халқ депутатлари
съездининг қарори

СССР Олий Советининг Раиси тўғрисида

СССР халқ депутатлари съезди қарор қилади:
Уртоқ Михаил Сергеевич Горбачев СССР Олий
Советининг Раиси қилиб сайлансин.



Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ

Михаил Сергеевич Горбачев Ставрополь ўлкаси Красноводский районидagi Привольный қишлоғида 1931 йил 2 март кунин деҳқон оиласида туғилди. 13 ёшидан бошлаб вақти-вақти билан колхозда ишлади. 15 ёшдан МТС комбайнчисининг ёрдамчиси бўлди. далада меҳнат қилиш билан бирга ўқиди. М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг юридик факультетини (1955 йил) ва Ставрополь қишлоқ хўжалик институтининг иқтисод факультетини сиртдан (1967 йил) тамомлади.

Университетни битиргач, ўз юртида, Ставрополь ўлкасида юристлик ихтисоси бўйича ишлаб бoшлади. Ёшлар тез орада комсомол ишига кўтарилди. ВЛКСМ ўлка комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, ВЛКСМ Ставрополь шаҳар комитетининг биринчи секретари, ВЛКСМ ўлка комитетининг иккинчи, сўнгра эса биринчи секретари бўлди.

1962 йилнинг мартида Ставрополь территориал-ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасининг партия ташкилотчиси этиб кўтарилди. ўша йилнинг декабрида эса КПСС ўлка комитети партия органлари бўлимининг мудир қилиб тасдиқланди. 1966 йилнинг сентябрида Ставрополь шаҳар партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланади. 1968 йилнинг августидан бошлаб, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлайди. 1970 йилнинг апрелида эса КПСС

Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари этиб сайланади.

1971 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. Партия XXII, XXIV, XXV, XXVI ва XXVII съездларининг, XIX партия конференциясининг делегати бўлди. 1978 йилда КПСС Марказий Комитетининг секретари, 1979 йилда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат қилиб сайланди. 1980 йилнинг октябрида КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидатликдан аъзолликка ўтказилди.

1985 йилдан бери КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари. Бир неча чақиринг СССР Олий Советининг депутаты, Олий Совет Президиумининг аъзоси. 1988 йилдан бошлаб СССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлди. У СССР Мудофаа кенгашининг раисидир.

1989 йил 25 май кунин СССР халқ депутатларининг съездида СССР Олий Советининг Раиси қилиб сайланди.

Бир қанча давлат мукофотлари: урта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Хўрмат Белгиси орденилари, медалларга сазовор бўлган.

Михаил Сергеевич Горбачев — совет жамияти турмушининг барча соҳаларини қайта қуриш революцион жараёнининг ташаббускоридир. Дунёда тобора кўпроқ нарозор топаётган янгича сийсий тафаккур концепцияси, хавфхатарсиз, ядросиз дунёни барпо этишдаги катта-катта ташаббуслар комплексининг номи билан боғланган.

СССР халқ депутатлари ваколатларини ҳақиқий деб ҳисоблаш тўғрисида

СССР халқ депутатлари съезди мандат комиссиясининг тақдимномасини кўриб чиқиб, СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ қарор қилади:

Территориал сайлов округларидан сайланган 749 СССР халқ депутати, мил-

лий-территориал сайлов округларидан сайланган 750 СССР халқ депутати ва умумиттифоқ жамоат ташкилотларидан сайланган 750 СССР халқ депутати ваколатлари ҳақиқий деб ҳисоблансин.

КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

29 май кунин СССР билан АҚШдаги биродарлашган шаҳарлар вакилларининг дастлабки учрашуви очилади. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Қ. Қ. Гуломов раҳбарлигидаги ташкилот комитети мазкур учрашувни тайёрлашда катта иш олиб борди. 26 май кунин бўлиб ўтган мажлисда Ташкилот комитети учрашув турли хизматлари тайёрлигини охириги марта текшириб кўрди.

Қилинган ишларга бағишланган мажлисда турли участкалар ва йўналишлар учун жавобгар бўлган раҳбарлар ҳисобот беришди. Ташкилот комитети аъзоларининг фикрича, тайёрлик даражаси шундайки, учрашувни бугуноқ бошласа бўлади.



Сиятл шаҳрининг энг ваколатли делегацияси кеча Ўзбекистон пойтахтига келди. «Тошкент-2» аэропорти Америка Қўшма Штатлари, қардош иттифоқдош республикаларнинг байроқлари билан безатилган. Табрик шiorлари, учрашув тимсоли тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкентда қизилқарли табир ўтишидан далолат беради.

Аэропорт биноси олдида кутиб олувчилар — шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, тошкентликлар йиғилишган. Уларнинг орасида АҚШда бўлган катталар ҳам. Сиятлга бориб келган ўкувчилар ҳам бор. Ҳамма сабр-сизилик билан биродарларимизнинг келишини кутмонда. «Хуш келибсиз!» — дейди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. М. Рафиқов. Меҳмонларни миллий ли-

Фотоаппаратларнинг чиқирлаган овози, турли тиллардаги нутқлар эшитилади, ташриф буюрганлар ҳам, кутиб олувчилар ҳам учрашувдан хурсанд.

Делегация составида Сиятл — Тошкент биродарлашган шаҳарлар комитетининг раиси Розанна Ройер, сармоячилар, телевидение ва радио журналистлари, газета ноширлари, «Жунио Кэдилек» рок-н-рол ансамбли бор. Уларнинг ҳаммаси СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарларининг биринчи учрашувинда иштирок этадилар, бунадан бунги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қиладилар.

СУРАТДА: сиятлик меҳмонлар Тошкентда.

© СССР билан АҚШдаги биродарлашган шаҳарлар вакилларининг дастлабки учрашувига бағишланган ма-териалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

